



БИНОЛАРНИ ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКАРЛИК ТАЛАБЛАР АСОСИДА ИССИҚЛИК ҲИМОЯСИННИГ ИККИНЧИ ДАРАЖАСИ БҮЙИЧА ТЕПЛОФИЗИК ҲИСОБЛАШ АЛГОРИТИМИ

Илмий рахбар: **Ю.М.Утемуратова**
Талабалар **А.Аскарбаев ва И.Қошқарбаев** (ҚҚДУ)

Аннотация : Янги ҳосил бўладиган манбааларга қуёш энергияси, шамол энергияси, (дарёлар) гидроэнергия, оқимлар, тўлқинлар, ернинг чукур қатламлари энергияси тежаш усуллари хақыда.

Калит сўз: энергия, ҳимоя конструкциялари, иссиқлик узатишга қаршилик, иссиқлик изоляцияси

Иқтисодиётнинг ривожланиши ҳозирги замон цивилизация тараққиётининг умумий тенденцияси бўлиб, энергия ресурсларидан фойдаланиш ҳажми ўсишига ва энергия ресурсларига эҳтиёж ва нарҳи ошишига олиб келмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 49 фоизи биноларга сарфланмоқда. Бинолар энергия самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилиб амалга жорий этилган янги нормалар энергия сарфини 25-50 фоизга камайтирилишини таъминлайди.

Янги ҳосил бўладиган манбааларга қуёш энергияси, шамол энергияси, (дарёлар) гидроэнергия, оқимлар, тўлқинлар, ернинг чукур қатламлари энергияси. Мамлакатнинг иссиқлик балансида энергиянинг янги ҳосил бўлмайдиган манбаалари 90% ни, шундан 30% и нефть, 40% и газ, тошкўмир 20%ни ташкил қиласди. Бутун органик ёқилғи (нефть, газ, тошкўмир ва ҳ.к.) бу қуёш энергиясининг турли босқичларидан ўтиб, қайта шаклланиб миллион йиллардан кейин бизгача етиб келган кўриниши бўлиб, уларнинг тугаши ва қимматлашиши хавфи бор.

Биноларнинг энергия самаралиги асосан унинг ташқи қопламаси, яни, деворлари, томи, ёруғлик проемларига боғлиқ бўлади. Ҳозирги кунда ҳимоя конструкцияларини тўғри фойдаланиш орқали биноларни иситишга сарфларини 50% тежаш мумкин.

Биноларнинг энергия тежамкорлигини ошириш тадбирларидан бири ташқи тўсиқ конструкцияларнинг иссиқлик узатишга қаршилигини ошириш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалда қўлланилаётган ҚМК 2.01.04-18 «Қурилиш иссиқлик техникаси» дабинолар ва хоналарни иссиқлик ҳимояси бўйича уч даражага бўлинган. Бунда биноларнинг иссиқлик ҳимояси даражасига ва қурилиш жойининг градус-сутка кўрсаткичига боғлиқ ҳолда ташқи деворлар,



чордоқсиз томлар ва чордоқ ёпмалари каби ташқи тўсиқ конструкциялар учун иссиқлик узатишга қаршилигининг талаб этилган қиймати белгиланган (2а, 2б, 2в жадвал) [1].

Давлат капитал маблағлари, ёки маҳаллий бюджет ҳисобига амалга ошириладиган турагар-жой, даволаш-профилактика муассасалари, болалар муассасалари, мактаб, лицей, коллеж, интернатлар қурилиши, реконструкцияси ва капитал таъмирида 2б жадвалига [1] мувофиқ иссиқдан ҳимояланишнинг иккинчи даражасини қабул қилиш лозим.

Иситиш мавсуми градус-куни D_d , $^{\circ}\text{C}$ -кун, қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим

$$D_{\text{от.пер.}} = (t_b - t_{\text{от.пер.}}) Z_{\text{от.пер.}}, \text{ } ^{\circ}\text{C}^*\text{кун}(1)$$

бу ерда: t_b -хона ички ҳавонинг ҳисобий температураси, $^{\circ}\text{C}$; $t_{\text{от.пер.}}$, $Z_{\text{от.пер.}}$ - ўртача ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$, ва $10 \text{ } ^{\circ}\text{C}$ -дан қўп бўлмаган ўртача кунлик ҳарорат даврининг давомийлиги (ҚМҚ 2.01.01-94 бўйича), кун.

D_d кўрсаткичининг қийматига ва бинонинг иссиқдан ҳимоя даражасига боғлиқ ҳолда ташқи тўсиқ конструкция учун (2а, 2б, 2в жадвал) [1] иссиқлиқ узатишга қаршиликтининг талаб этилган қиймати $R_0^{\text{тр}}$ аниқланади. Лойиҳаланаётганянги конструкция учун

$$R_0 = \frac{1}{\alpha_b} + \sum \frac{\delta_i}{\lambda_i} + \frac{1}{\alpha_h}, \text{ m}^2 \cdot ^{\circ}\text{C}/\text{Вт}; \quad (2)$$

α_b -тўсиқ конструкцияларидеки юзасини иссиқлик беришкоэффициенти, 5*-жадвалдан қабулқилинади [1].

α_h -тўсиқ конструкциялари ташки юзасини иссиқлик бериш коэффициенти (қишиш шароитлари учун), $\text{Вт}/(\text{m}^2 \cdot ^{\circ}\text{C})$, 6-жадвалдан қабул қилинади [1].

δ-қатлам қалинлиги, м;

λ-қатлам ашёсини иссиқлик ўтқазувчанлигини ҳисобий коэффициенти, $\text{Вт}/(\text{m} \cdot ^{\circ}\text{C})$, 1-сон Иловадан қабул қилинади [1].

Иккинчи формула ёрдамида аниқланган иссиқлик узатишга қаршилигининг қиймати R_0 юқорида аниқланган $R_0^{\text{тр}}$ қиймат билан таққосланади. Агар $R_0 \geq R_0^{\text{тр}}$ шарт бажарилса, бино қабул қилинган иссиқлик ҳимояси даражасига мувофиқ равишда энергия тежамкор ҳисобланади.

Биноларнинг ташқи тўсиқ конструкцияларига энергия тежамкорлик нуқтаи назаридан қўйиладиган талаблар кучайтирилганлиги муносабати билан ҳозирги кунда мавжуд уларнинг иссиқлик узатишга қаршилигини ошириш муаммоси долзарб бўлиб бормоқда. Бу масалани ҳал қилиш учун, яъни ташқи тўсиқ конструкцияларнинг иссиқлик узатишга қаршилигини қанчага ошириш кераклигини аниқлаш учун, унинг иссиқлик узатишга умумий қаршилигининг

хақиқий қиймати R_0^ϕ ҳақида маълумот керак бўлади.
Бундаймаълумотнианиқлашучунқуйидагиусулданфойдаланилади.

Кўрилаётганмавжудташқитўсиқконструкцияларнингтаркибигакиргандатер иалларҳақидааниқмаълумотларбўлганҳолларда, конструкция учунузатишгаумумийқаршиликтинингҳақиқийқиймати R_0^ϕ сифатидаиқинчи формула ёрдамидаиссиқликузатишгақаршиликтинингҳисобийқиймати R_0 аниқланади.

Биринчи усул. Кўшимчаиссиқлиқизоляцияси ўрнатилишикеракбўлган конструкция сиртидагимаълумнуқталарда, уларга ўрнатилгантермодатчиклар ёрдамида бирнечасуткадавомида ичкиваташки ҳавоҳамда конструкциянинггисиртилингтемпературалари ўлчанади. Олингандижаларасосида ташқитўсиқконструкциянингиссиқликузатишгақарш илиги R_0^ϕ қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$R_0^\phi = \frac{t_b - t_h}{(t_b - t_h) \times \alpha_b}, \text{ м}^2 \text{C/Bт}, \quad (3)$$

Буерда;

t_b -хона ички ҳавосининг ўлчашлар давридаги ўртача температураси, ^0C ;

t_h -ташқиҳавонинг ўлашлар давридаги ўртачатемператураси, ^0C ;

τ_b -деворичкисиртилинг ўлчашлар давридаги ўртачатемператураси, ^0C ;

α_b -деворичкисиртилингиссиқлик беришкоэффициенти, $\text{Bт}/(\text{м}^2 \text{C})$.

Шундан сўнг, таъмирланадиган ташқи тўсиқ конструкциянинг иссиқлик узатишга қаршилиги R_0 нинг қиймати энергия тежамкорлик бўйича талаб этилган қиймати $R_0^{\text{тр}}$ га teng ёки ундан катта бўлиши шартидан келиб чиқсан ҳолда, конструкция учун қўшимча иссиқлик узатишга қаршилик $\Delta R_{\text{доб}}$ нинг қиймати аниқланади:

$$\Delta R_{\text{доб}} = R_0^{\text{тр}} - R_0^\phi, \text{ м}^2 \text{C/Bт}, \quad (4)$$

Энергия тежамкорликни таъминлаш учун қўшимча ўрнатиладиган иссиқлик изоляцияси қатламнинг қалинлиги қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\delta = \Delta R_{\text{доб}} \times \lambda, \text{ м}, \quad (5)$$

Бу ерда: λ -қўшимча иссиқлик изоляцияси сифатида қўлланиладиган материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, $\text{Bт}/(\text{м}^2 \text{C})$, унинг қиймати хонанинг намлик режимига боғлиқ ҳолда аниқланадиган эксплуатация шароити А ёки Б га мувофиқ равишда қабул қилинади [1].

Хонанинг намлик режими [1] нинг 1-жадвалидан қабул қилинади. Бундан, тўсиқ конструкцияларининг фойдаланиш шарт-шароитларини хонанинг намланиш режимига боғлиқ ҳолда: қуруқ ва нормал режимлар учун А

параметрлар бўйича, нам ёки хўл режимлар учун эса-Б параметрлар бўйинча қабул қилиниши лозим.

Энергия тежамкорлик талаблари асосида теплофизик ҳисоблаш намунасини иссиқлиқ ҳимоясининг иккинчи даражаси бўйича Нукус шахри учун текшириб кўрамиз. Нукус шаҳридаги турар-жой биносининг қалинлиги 2 ғишт, икки томонидан иссиқлик узатишга қаршилиги R_0 ни унга ташқари томондан қўшимча иссиқлик изоляцияси ўрнатиш ҳисобига иссиқлик ҳимоясининг иккинчи даражасига мувофиқлаштириш талаб қилинади.

Масалани юқорида баён қилинган алгоритм бўйича ҳисоблаймиз.

1. Қурилиш жой-Нукус шахри.

2. Бинонинг вазифаси-турар-жой биноси.

3. ҚМК 2.01.04-18 нинг 1-иловадан хона ичкиҳавосининг ҳисобий температураси t_b аниқлаймиз: $t_b = 20^\circ\text{C}$.

4. ҚМК 2.01.01-94 [2] нинг 4-таблицасидан Нукус шахрининг ташқиҳавотемператураси $t \leq 8^\circ\text{C}$ ва $t \leq 12^\circ\text{C}$ бўлган даврлар учун мос равища ўртacha температура $t_{\text{от.пер}}$ нинг қиймати ва шу даврларнинг давомийлиги (суткада) $Z_{\text{от.пер}}$ ҳақидаги маълумотларини ёзиб оламиз:

- $t \leq 8^\circ\text{C}$ бўлган давр учун ўртacha температура $t_{\text{от.пер}} = -0,6^\circ\text{C}$, давомийлиги 143 сутка;

- $t \leq 12^\circ\text{C}$ бўлган давр учун ўртacha температура $t_{\text{от.пер}} = +1,0^\circ\text{C}$, давомийлиги 182 сутка;

Мазкур қийматларасосида $t \leq 10^\circ\text{C}$ бўлган давр учун ўртacha температура $t_{\text{от.пер}}$ нинг қиймати ва шу даврнинг давомийлиги $Z_{\text{от.пер}}$ ни аниқлаболамиз:

$t_{\text{от.пер}} = \frac{-0,6+1,0}{2} = +0,2 \approx 0^\circ\text{C}$ ва $Z_{\text{от.пер}} = \frac{143+182}{2} = 162,5 \approx 163$ суткага тенг.

5. (1) формуладан фойдаланиб Нукус шаҳри учун иситишмавсумининг градус-сутка (ИМГС) кўрсаткичинианиқлаймиз:

$$D_{\text{от.пер.}} = (t_b - t_{\text{от.пер.}})Z_{\text{от.пер.}} = (20 - 0) \times 163 = 3260 \text{ градус-суткага тенг.}$$

6. Туар-жой

биносита шқидеворининг иссиқликузатишгаталаб этилган қаршилиги R_0^{tp} нинг қийматини иссиқлик ҳимоясининг иккинчи даражасига мувофиқ бўлиши шартидан кел ибчиқ қанҳолда, [1] 26 жадвалидан аниқлаймиз: $R_0^{\text{tp}} = 2,2 \text{ м}^2 \text{ }^\circ\text{C}/\text{Вт}$ га тенг.

7. (3) формула

бўйичата шқит ўсиқ конструкциянинг иссиқликузатишга ҳақиқий қаршилиги R_0^ϕ ни аниқлаболамиз.

Бунинг учун бир неча сутка давомидатермодатчиклар ёрдамида ичкиваташқиҳавоҳа

мдадеворичкисиртингтемпературалариниўлчаймиз. Фараз қилайлик, ўлчашларнатижасидақуидагинатижаларолинди:

t_b -хона ичкихавосининг ўлчашлар давридаги ўртачатемператураси, $+19,8^{\circ}\text{C}$;

t_h -ташқиҳавонинг ўлчашлар давридаги ўртачатемператураси, -13°C ;

τ_b -деворичкисиртинг ўлчашлар давридаги ўртачатемператураси, $+16^{\circ}\text{C}$.

α_b -деворичкисиртинг иссиқликтеберишкоэффициентини [1] даги 5*-жадвалга асоссан қабул қиласиз.

Олинган натижалар асосида ташқи түсиқ конструкциянинг иссиқлик узатишга қаршилиги R_0^Φ ни (3) формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$R_0^\Phi = \frac{t_b - t_h}{(t_b - \tau_b) \times \alpha_b} = \frac{19,8 - (-13,0)}{(19,8 - 16) \times 8,7} = 0,992 \text{ m}^2\text{C/Bt} \text{ га тенг.}$$

Эслатма:

энергия

тежсамкорлигини ошириши талаб қилинаётган конструкцияда қўлланилган матері аларни глойиҳада гите теплофизик кўрсаткичлариани қўлланҳолларда, иссиқликузатишга қаршилигининг ҳақиқий қиймати R_0^Φ сифатида (2) формула ёрдамида аниқланган ҳисоби қиймат R_0 дан фойдаланиши мумкин.

8. Конструкция учункўшимча иссиқликузатишга қаршилиқ $\Delta R_{\text{доб}}$ нинг қиймати (5) формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$\Delta R_{\text{доб}} = R_0^{\text{tp}} - R_0^\Phi = 2,2 - 0,992 = 1,208, \text{ m}^2\text{C/Bt}.$$

9. Кўшимча иссиқлик изоляцияси қатлами учун [1] нинг 1-сон иловасидан зичлиги 40 кг/m^3 бўлган пенополистирол қабул қиласи ва конструкциянинг эксплуатация шароити А га мувофиқ равишда унинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти λни аниқлаб оламиз: $\lambda = 0,041 \text{ Bt}/(\text{m}^2\text{C})$.

10. Кўшимча ўрнатиладиган иссиқлик изоляцияси қатлами нинг қалинлигини (6) формула ёрдамида аниқлаймиз: ў

$$\delta = \Delta R_{\text{доб}} \times \lambda = 1,208 \times 0,041 = 0,049 \text{ м га тенг.}$$

Иссиқлик изоляцияси қатлами нинг аниқланган қалинлиги δ ни материалнинг хусусияларидан келиб чиқсан ҳолда катта томонга яхлатиб $\delta = 0,049 \approx 0,05 \text{ м}$ қабул қиласиз.

11. Ташқи томонидан қўшимча 5 см қалинликда пенополистирол қатлам ўрнатилган деворнинг иссиқлик узатишга қаршилигининг қиймати $R_0^{\Phi'}$ ни ҳисоблаймиз:

$$R_0^{\Phi'} = R_0^\Phi + \frac{\delta}{\lambda} = 0,992 + \frac{0,05}{0,041} = 2,21 \text{ m}^2\text{C/Bt} > R_0^{\text{tp}} = 2,2 \text{ m}^2\text{C/Bt}.$$

Хуносас: икки томонидан 20 мм қалинликда оҳак-қум қориши маси билан сувалган қалинлиги 2 ғашт девор, ташқари томондан кўшимча иссиқлик изоляцияси сифатида 5 см пенополистирол плита ўрнатилганда, Нукус шаҳри иқлим шароитида иссиқлик ҳимоясининг иккинчи даражасига мос энергия тежсамкорлик талабларига жавоб беради.



Адабиётлар:

1. ҚМК 2.01.04-18. Қурилиш иссиклик техникаси. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари/ЎзР давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; Тошкент: 2011.-98 б.
2. ҚМК 2.01.01.-94. Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари/ЎзР давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; Тошкент: 1994.-98 б.
3. Фокин.К.Ф. Строительная теплотехника ограждающих частей зданий [Текст]: Учебник/К.Ф.Фокин; изд-е 5-е, перераб.-Москва: АВОК Пресс, 2006.-270 с.

